
Президент ҳузурида Экспертлар кенгаши ташкил этилади

Шавкат Мирзиёев президент ҳузурида алоҳида Эксперт кенгаши ташкил этиб, унга хорижий мамлакатларнинг нуфузли олимлари ва амалиётчилари жалб қилиш зарурлигини айтди.

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев парламентга мурожаатномаси давлат бошқарувида самарали идора тизимини жорий этишга қаратилган таклифлар илгари сурди. Бу ҳақда ЎзА хабар берди.

Хусусан, давлат раҳбари Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузурида алоҳида Эксперт кенгаши ташкил этиб, унга хорижий мамлакатларнинг нуфузли олимлари ва амалиётчилари жалб қилиш зарурлигини қайд этди.

«Газета.uz»

2018-12-28 13:47:48